

**“MAKTABGACHA TA'LIM
– MAKTAB – OLIY TA'LIM”
KONSEPSIYASI: MUAMMO,
YECHIMLAR VA ISTIQBOLLAR**

XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI

MATERIALLARI

2022-yil, 9-aprel

Buxoro – 2022

MUNDARIJA

O.X.Xamidov. Uchinchi renesans poydevori-maktabgacha ta'limdan boshlanadi	3
Q.R. To'xsanov. Maktabgacha ta'lim, maktab va oliy ta'lim tizimini o'zaro integratsiyasini ta'minlash vazifalari	4
Jumayev Rustam G'aniyevich. Maktabgacha ta'lim tizimi – davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida	6
R.A.Qo'ldoshev. Kafedramiz faoliyatining asosi – inson qadri va uning kapitaliga erishish	7
Собит Сафарович Аvezов. Устойингдан айрилма экан.....	8

1-SHO'BA. MAKTABGACHA TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSION

TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING SAMARA VA NATIJALARI

Яфраева Венера Гавазовна. ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ И ПРАКТИКИ В ОРГАНИЗАЦИИ ПОЛИЛИНГВАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ БАШКОРТОСТАН	12
Tilavova Matlab Muxammedovna, Mirzayeva Dilfuza Shavkatovna. BOLALAR BOG'CHASIDA MULTFILMLAR YARATISHDA ART- PEDAGOGIKA TEXNIKASIDAN FOYDALANISHNING O'ZIGA XOSLIGI	15
Alijon Hamroyev. RAQAMLI TEKNOLOGIYALARNI TA'LIM JARAYONIGA TATBIQ ETISH ZAMONAVIY TA'LIM KONSEPSIYASINING ASOSI.....	17
Ахунув Умидбек Рузибаевич. ВАЖНОСТЬ ПОДВИЖНЫХ ИГР ДЕТЯМ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА	19
Karimova Dilbar Tashpulatovna. QURILISH MATERIALLARIDAN IJODIY QURISH-YASASH (ILK VA KICHIK YOSH).....	21
Hasanova Gulnoz Qosimovna, Ne'matova Shirinoy Nizomiddinovna. "MAKTABGACHA YOSHDAGI ESHITISHDA NUQSONI BO'LGAN BOLALARNI TAFAKKURINI SHAKLLANTIRISHDA DIDAKTIK TAMOYILLARDAN SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI"	23
С.С.Аvezов. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КАТТА ВА ТАЙЁРЛОВ ГУРУХЛАРИДА ТОВУШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛ ВА МЕТОДЛАРИ	26
Гафурова Дилбар Хакимовна. ПРОБЛЕМЫ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ ДОШКОЛЬНИКОВ	28
Rajabova Iroda Hamidovna, Rajabova Inobat Hamidovna. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA EKOLOGIK TARBIYANI SHAKLLANTIRISH	29
Izzatulloeva Sabina. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA BOLANING MUVAFFAQIYATLI IJTIMOIYLASHUVINI TA'MINLASH YO'LLARI	31
Jalilov Zarafshon Baxshilloyevich. "MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARIDA BOLALAR NUTQINI SENSOR TARBIYA VOSITASIDA RIVOJLANTIRISHNING USUL VA METODLARI"	33
N.O.Safarova, H.Jumayeva. MAKTABGACHA TA'LIM BOLALARINI LATIFA JANRI BILAN TANISHTIRISH.....	38
Jalilov Zarafshon Baxshullaevich, Bafoeva Mohinur Rustamovna. MAKTABGACHA TARBIYA YOSHDAGI BOLALARDA NARSALARINING KATTALIGI VA SHAKLI HAQIDAGI TASAVVURLARNI SHAKLLANTIRISH YO'LARI	40
Mamedova Maftuna Muhidinovna. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOALARNING OILADA SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKILLANTIRISH	42
Maydonova Anfisa Axtamovna. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA INDIVIDUALLASHTIRILGAN TA'LIMNI TASHKIL ETISHDA TARBIYACHILARNING O'RNINI	44
Kamilova Gulmira Alimovna, Ro'zieva Zilola Eshpo'latovna, Botirova Nozima Avaz qizi. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARNI EKOLOGIK-GIGIENIK TARBIUALASN IMKONIYATLARI.....	46
Mamedova Maftuna Muhidinovna, Muradova Madinabonu Shuxrat qizi. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA TARBIYALANUVCHILARI OG'ZAKI NUTQNI RIVOJLANTIRISHDA ERTAKLARDAN FOYDALANISH.....	48
Nasimova Nasiba Qurbon qizi, Abdurahmonova Aziza. MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARDA NAFOSAT TARBIYASINI BERISHDA YANGI PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI	50
Mamedova Maftuna Muhidinovna. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA BOLA TARBIYASINI TASHKIL QILISHDA OILA VA MAHALLA HAMKORLIGI	51
Nasimova Nasiba, Sharipova Munisa, Abdurahmonova Aziza. MUSIQA ORQALI ESTETIK TARBIYA BERISH.....	53

Мақтабгача та'лим кафедрасида биз мақтабгача та'лим тузимидаги янги педагогик та'лим тизимлари, методи ва инноватсион технoлогийаларни таклиф етиш, та'лим жарайонини умумбашарий, инсоний фазилатлар асосида yaratishga диққат қаратиб келмоқдамиз.

Биз аввал ҳам кафедраниз жамoаси то'плаган тајриба, билим, малага ва ко'никмаларни кенг табиқ етиш мақсадида республика илми-амалий анжуманини ташкил етган едик. Ушбу конференси-ада компетенси-а-вий yondashuvларнинг тарби-а-чи-педагогнинг о'з фаоли-а-ти ривожини камол топтиришдаги о'рни ва аҳамияти, та'лим технoлогийалари то'ғ'рисидаги қарашларимизни тарғ'иб етган едик. На-а-вбатдаги ма-а-зкур халқаро анжуман еса ма-а-взу доирасини а-а-нча кенга-а-йтдик. Унда на-а-фақат мақтабгача та'лим ташкилоти, балки бу соҳанин-н-г умумий та'лим мақтаблари билан о'зaro алоқадорлиги, талабаларимизнинг илми-а-й салоҳияти, педагогик соҳасида егаллаган билим ва тајрибаларнинг натижалари хусусида еришган yutuqlarimiz борасида фикр алмаштириш мақсадида о'тказилмоқда.

Кафедраниз жамoаси ҳозирги кунда шаҳримизда 80-МТТ, 13-МТТ, 54-МТТ, 10-МТТ ва бoшқа ко'п-п-лаб МТТлар билан амалий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бундан ташқари кафедраниз Мақтабгача та'лимни рақамлаштириш ма-а-ркази сифатида талабалар учун тарби-а-чи-педагогнинг ҳайотий тајрибаси, билим, ко'никма ҳисобланади. Шундай екан, исте'додли ва иқтидорли педагог кадрларни тарби-а-лаш, енг аввало биз, оли-а-й та'лим профессор-о'қитувчилари олдида жуда катта ма'су-а-лят yukлади. Факултетимиз асосий бо'ғ'ини саналган Мақтабгача та'лим кафедраси профессор-о'қитувчиларининг олдидаги педагогик вазифалар жуда ма'су-а-лятли ва оли-а-й-анобдир. Хусусан, кафедрани илми-а-й салоҳиятни yuksaltirish, замонaviy дarslik, о'қув қо'лланмалар yaratish, монографиялар chop еttirish kabi илми-а-й-услубий вазифалар шунлар jumlasidandir. Binobarin, dars о'tishда yuksak та'лим методи, инноватсион технoлогийалардан foydalanib darsning умумий г'о-а-йаси, ма-а-змунини ва натижасига еришish talab еtiladi. Бундан ташқари, факултетимизда, университетимизда Президентимизнинг беш ташаббус бо'ғ'ича талабаларнинг бо'ш вақтларини ма'naviy-ма'rifiy ishлар билан band етиш, то'ғ'аракларга да'vat етиш, shuningdaek, mablag'ga muhtoj oila farzandларини yaxshi ishларга jalb етиш kabi ishлар amalga oshmoqда.

Жамиятда янги тафаккурга, интеллектуал салоҳиятга, креатив қарашларга ега бо'лган shijoatli, mehnatsevar тарби-а-чи-педагогларни тарби-а-лаш биз профессор о'қитувчиларнинг pirovard мақсадимиздир. Бу еса yosh avlodlar kamolotida илми-а-й-услубий мақсадимиз фаоли-а-ти-мизнинг tub mohiyatини kasb еtadi.

Кафедра жамoаси билан о'тказила-а-йotган "Мақтабгача та'лим-Мақтаб-Оли-а-й та'лим" консепси-а-йаси: muammo, yechimlar va istiqbollar" mavzusidagi халқаро анжуман иштирокчилари мақсади ҳам yosh avlodни тарби-а-лашда инсонпарварлик, vatanparvarlik, mehnatsevarlik kabi yuksak фазилатлар kabi ulkan г'о-а-йалар ма-а-змунини yotadi. Конференси-а-й ishларига ривож ва muvoffaqiyatлар tilaymiz.

УСТОЗИНГДАН АЙРИЛМА ЭКАН...

Собит Сафарович Авезов

БухДУ доценти, филология фанлари номзо-а-ди

Дунёда инсон учун энг улуғ зот ота-онадир. Лекин ҳаётда шундай инсонлар бўладики, у ота-она сафида туради. Бу азиз ва мўътабар шахс пири комил ёхуд оддий сўз билан устоз ҳам дейилади. Инсон ота-она ва устоз олдидагина ўзини бир умр бурчли ва қарздор ҳис қилади. Чунки уларгина фарзанд ва шогирдларининг бахт-у камолини, икки дунё саодатини кўришга ошиқманд бўладилар. Фақат уларгина ўз ҳаётининг ма-а-змунини, келажакдаги феълу-аъмолларини ўз авлодлари тақдирида давом этишини, энг сара ишларининг завол топмаслигини бир умр орзу қилиб яшайдилар. Бу ҳақда улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий шундай деган эди:

Шогирд агар шайхулислом, козидур,

Устоз андин рози, тангри розидур.

Ана шундай пири комил устозлардан бир академик Тўра Мирзаев эди. Менин-н-г илми-а-й раҳбарим- профессор Охунжон Сафаровнинг маслақдоши, се-а-вимли устози ва якин дўсти

бўлганликлари учун у киши билан мулоқотимиз анча кўп бўлган. Бу мулоқот заминдош эканлигимиз билан ҳам қувватланиб турарди. Бундан ташқари, Тошкент ОПИда малака оширишда фольклоршунослик фани бўйича қилган маърузалари, ундаги баҳс-мунозаралар устозга меҳр-мухаббатимни янада оширган эди. Бир куни дарсада мавзу доирасидаги саволларимга жавоб бера туриб, қаердан эканлигимни сўраб қолдилар. Манзилим, илмий мавзу ва раҳбарим ҳақида гапирганимда:

-Ие. ўзимизники экансиз-ку,-дедилар камтарона табассум билан.

Бу воқеага ҳам йигирма йилдан ошди. У олимнинг нақадар фольклоршунослик фани фидойиси, захматқаш инсон, балки ҳақиқий шогирдпарвар устоз эканликларига ҳам амин бўлганман.

Ўша йил ҳам малака оширишда эдим. Устоз таваллудининг олтмиш беш йиллиги нишонланишини эшитиб қолдик. Икки-уч киши бўлиб институтга бордик. Бир хона эшиги олдида устоз турардилар. Совғаларни бериб табрикладик. Шунда устоз эллик-олтмиш киши жойлашган хонага бизни таклиф этиб, хижолатомуз ташрифимизни сезгандек:

-Шов-шув қилмайлик, дедик. Бухорга ҳам хабар юбормадик. Мана, она тупроқдан сизлар келдингиз,-дедилар секин овозда шивирлаб.

Базм хонасидаги столлардан бириатрофига ўтирдик. Даврадошлар билан танишиб бўлгач, бироз вақтдан сўнг кекса киши гап бошлади:

-Тўра Мирзо фақат “Алпомиш” достони тарғиботчиси эмас. Балки ўзи ҳам Алпомиш. Ҳар бир ишида шижоат, мардлик туради.

Биз олим юзига қарадик. У ниманидир айтиш илинжида эди:

-Биласизми, у илмнинг одами. Раҳбар сифатида ҳам ҳеч ким қилмаган ишни бажарган. Бир ёш иқтидорли олимни хибсдан озод қилдириб, номзодлик ҳимоясини ўтказтирган.

-Наҳотки...

-Ишонинг, ҳозир у таниқли олим...

Бу гапдан жуда таъсирландик. Ҳимоя қилиш илинжида ҳадикиб юрган мендек ёш олимнинг бундай илмпарвар раҳбар мулозамати ва меҳрибонлиги юксак маънавий рағбат, ҳимоя ишига даъватдек туюларди.

Мен ҳимоя учун мутахассислик имтиҳонини топшириш мақсадида институтга бориб, устоз билан маслаҳатлашдим. Тошкентга бир кунга борган эдим.

-Майли, ҳаракат қилинг, бугун имтиҳон оламинг,- деди Т.Мирзаев бамайлихотирлик билан.

Юқори каватга кўтарилиб, профессор К.Имомов билан кўришиб, анча суҳбатлашиб қолдик. Бироздан сўнг хонага институт директори Т.Мирзаев кириб келди:

-Комилжон ака,- деди олимга қараб, -имтиҳон ҳайъатини чақириб бу йигитни синовдан ўтказинг. У Бухородан. Бу ерда турар жойи йўқ. Кечқурунги поездга улгуриши керак...

Менинг кўнглимдан кечаётган илинжни устоз худди англаб тургандек эди. Бир соатга қолмай имтиҳон ташкил этилди. Мувафаккиятли топшириб она шаҳрим Бухорога қайтдим.

Мени фан соҳасига етаклаб кирган раҳнамойим, мўътабар инсон-профессор Охунжон Сафаров эди. Уқишига ҳамиша эҳтиром кўзи билан қараганман. Устоз билан талабалик даврдан таниш бўлсам-да, 1994 йилда мустақил изланувчи сифатида шогирд тушганман. 2006 йилдан то умрларининг сўнгги давларигача бир кафедрада ишлаганмиз. Устоз-шогирд ўртасида қандай ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва самимият бўлса, бизнинг орамизда ҳам мавжуд эди. Ҳатто айрим ҳолларда оилавий муаммоларимни ҳам устоз маслаҳатлари билан ҳал этардим.

Устознинг энг катта бойликлари кутубхоналари эди.Кутубхона алоҳида хона бўлиб, у кишининг ижодхонаси эди.Хонанинг узунлиги ўн беш метр,эни беш метрни ташкил этарди. Хонанинг уч томони ойнали жавондан иборат бўлиб,ўн мингта яқин китоблар саранжомлаб терилган. Жавонлар жаҳон адабиёти, қардош халқлар адабиёти. мумтоз адабиёти, фольклор ва фольклоршунослик, ҳозирги давр адабиёти ва болалар адабиёти каби бир неча бўлимларга ажратилган эди. Кутубхонада адилларнинг томликлари, сайланмалари ва энциклопедик асарларни ҳам учратиш мумкин эди. Бугина эмас, газета таҳламлари, бир қанча қоғоз

папкалар, суратлар ва узок ўлкалардан келтирилган эсдалик анжомларини ҳам кўриш мумкин эди. Ижод столи эса пойгакроқда, дреза олдида, ойдин жойда қўйилган. Стол устидаги катта абажур, стол чироғи у кишининг тунда ҳам ишлашларидан дарак бериб турарди.

Устоз ҳар қандай китобни сўраганда:

-Бизда бўлади-да, бу китоб,-дея ҳазиллашиб ҳеч кийналмасдан бир қўл узатишда топиб берардилар. Тошкентга сафарда ҳам мени эргаштириб борардилар. Жуда кўп адабиётшунос, тилшунос ва фольклоршунос бўлган машҳур олимлар билан таништирар эдилар.

-Олдин уларни таниб ол. Кейинги сафар ижодлари ҳақида ўзларига гапириб берсанг, сендан ҳурматли киши бўлмайди,-дер эдилар.

У киши орқали М. Қўшжонов, Б.Назаров, Н.Каримов, А.Ҳайитметов, И.Ҳақкул ва Р.Баракаев каби адабиётшунослар, А.Ҳожиев, Ш.Шоабдурахмонов, А.Мадвалиев каби тилшунослар ва Т.Мирзаев, К.Имомов, Б.Саримсоқов, О.Мадаев, М.Жўраев, Ш.Турдимов, А.Мусоқулов, Ж.Эшонқулов, С.Йўлдошева каби фольклоршунослар билан танишиб, ҳамсуҳбат бўлганман.

Устознинг яна бир ижодий жарёнларининг ибратли томонини кузатган эдим. У киши яратган канча асар ва илмий мақола бўлмасин, аксарияти ҳафтанинг икки куниди: шанба ва якшанба куниди ёзар эдилар. Бу икки кунни эркин онларимдеб ҳисоблардилар. Ижод кунлари учун таъзиядан бошқа ҳар қандай тўй-томоша, маърака-маврид ва тадбирлардан бемалол воз кеча олар эдилар. Бундай талаб ва масъулиятни ҳар ким ҳам ўз олдига қўя олмасди. "Вақт ўткинчи, лекин уни фақат қоғоздаги ибратли фикрлар билан ушлаш мумкин,"- деб айтардилар.

18-февраль-устоз туғилган кун. Биз шогирдлар ҳар йили у кишини қутлаш учун ҳовлиларига борар эдик. Шогирдлар ўша кунни устоз ҳақларида янги сўз топиб боришга ҳаракат қиларди. Бир сафар менга сўз берганларида, янги ўқиб колган маълумотимга таяниб шундай деган эдим:

-Устоз, бизнинг назаримизда, сиз қалбимизда ёкқан оппоқ корга ўхшайсиз. (Ўша кунлар кишининг анча изғиринли, қор-бўронли дамларига тўғри келади-да). Кеча газетада ўқисам, дунёнинг энг жазирама ўлкаси Саҳрои Кабирда ҳам олам-олам бўлиб, бир марта қор ёкқан экан. Сиз ана шу оппоқ корга ўхшаб, бизнинг орзумиз бўлиб дунёга келгансиз...

Даврадагилар бу хабарни мамнуният билан қабул қилиб, қарсақ чалиб юборди. Устоз ҳаяжонда эдилар:

-Сўзларингиздан бошим осмонга етди. Ҳаммаларингиз соғ-саломат бўлинглар. Сизлар менинг орзум, келажагимсиз...

Мен қарийб йигирма беш йил устоз сабоқларини олдим. Айниқса, 2006 йилдан бир кафедрада, у кишининг қўл остида ишлашим ҳам ўзаро муносабатларимизни янада яқинлаштирди.

Ҳозирда устоз ҳақидаги ташбеҳим яна ўзгарди. У киши бизнинг ҳаётимизга Наврўздек кириб келган эканлар. Чунки Наврўз қалбга орзу-умид, яшариш ва яшнатиш фасли саналади. Устознинг шогирд қалбидаги ўрни ҳаммаша умид ва орзу учун ўчмас маёк бўлиши кераклигини уқтириб кетгандек эди. Устоз руҳлари ҳаммаша уйғок. Уни биз ҳар кадамда ҳис қиламиз. Истеъдодли шоир Шодмонқул Салом айтганидек:

Муаллим, устозим, нони ҳалолим,
Камтар табассуминг ўзи бир баёт.
Сенинг меҳринг порлаб турмаганда гар,
Маёксиз кемадай қоларди ҳаёт.
Миннатли дунёда беминнат жонсан,
Муз каби сахосан-туганмас шонсан.

Ана шундай меҳри дарё, закий ва донишманд устозим билан айни Наврўз айёмига бир ҳафта колганда қўл силкиб видолашганман. Эсласам, бу умримда ота-онамдан кейинги учинчи адосиз айролик ва йўқотиш экан. Эсласам, ҳаётда ҳар қандай дамда ҳам йўл кўрсатувчи, мушкулотингни осон қилувчи ва маънавий раҳнамо инсон химоясида эканимни

чуқур хис қиламан. Ҳозир эса ўша куч биров етишмаётгандек туюлади. Халқ бежизга айтмаган “Устозингдан айрилма” деган нақлнинг нақадар аламли ва аччиқ ҳақиқат эканлигини юрак-юракдан хис қилаяпман. Кўнгил эртақларнинг бошланмасига ўхшайди “Бир бор экан, бир йўқ экан...”. Ҳали бу дамлар бир китоб бўлса, ажаб эмас.

1996 йил эди чамаси. Тошкентдаги ОПИда малака оширишда эдим. Қаҳратон кишининг январь ойи. Миллий университетнинг ётоқхонасига жойлашганмиз. Бир хонада иккимиз. Шеригим таниқли фольклоршунос олим Иброҳим Бекмуродов кизикчи Мухиддин Дарвеш ҳақидаги китобга дастхат ёза туриб мени тингларди:

-Бухородансиз. Сизнинг болалар фольклоршунослиги бўйича бўйича олиб бораётган изланишингиз менга маъқул. Хохласангиз, сизни ажойиб бир йигит билан таништираман. Ухам бухоролик, таниқли фольклоршунос. Ўзи эса “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали масъул котиби. Фан учун фидойи инсон.

Эртаси куни институтга бориб, Маматқул ака Жўраев билан танишдим. У киши менга разм солиб:

-Собитжон илмий мавзунгиз бўйича мақола тайёрланг “Фан ва турмуш” журналига чиқарамиз. Сафарингиз мазмунли бўлади дедилар самимийлик билан, мендан сўрашаётган эди...

Мақола тайёрлаб элтиб бердим. Ўн беш кун ўтар-ўтмас “Санамай саккиз дёма” деган мақолам чиройли дизайндоп этилди. Ана ўша кундан бошлаб, Маматқул ака билан яқин ака-ука дўстлигимиз бошланди. Биров вақт ўтгач, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида ҳам илмий мавзум доирасида биринчи мақолам чоп этилди.

М.Жўраев билан биродарлигимиз фақат китоб ва фольклоршунослик фани соҳасида бўлар эди. Шу туфайли ҳам у киши дастхат қилиб берган “Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли рақамлар”, “Ўзбек халқ таквими ва мифологик афсоналар”, “Ўзбек халқ самовий афсоналар”, “Остонаси тиллодан”, “Ўзбек мавсумий ва маросим фольклори” ва “Миф, фольклор ва адабиёт” каби асарлари шахсий кутубхонада ардоқланиб сақланади. Бу китобларни ўқиб, истеъдодли олимнинг жаҳон, кардош ва миллий фольклоримизнинг зукко билимдони, жуда юксак закий инсон эканлигига иймон келтираман.

М.Жўраев тиниб-тинчимас олим эди. У киши гоҳ Фарғонада бўлсалар, гоҳида Самарқанд, Жиззах, Навоийда ҳам фольклор бўйича анжуманларда бўлар, фан соҳасида талабаларга маҳоратли дарс соатларини ўтказар эдилар. Хусусан, марказий телевидениенинг “Олтин сандик” фольклорга бағишланган анъанавий кўрсатуви олим томонидан олиб борилиб, бевосита халқ оғзаки ижоди намуналарига асосланган бўлиб, унда буюк элимиз томонидан яратилган бадиий асарлар, урф-одат, маросим ва қадриятлар тараннум этиларди.

М.Жўраев Бухоро фарзанди эди. Шунинг учун ҳам Бухоро давлат университетининг доимий меҳмони бўлишдан ўзгача завқ-шавқ олар эдилар. Университетда талабалар билан учрашиб фольклорнинг сир-асрорларини, халқимизнинг урф-одатлари-ю, маросим ва анъаналарини кенг тарғиб этар эдилар. Биз эса ҳаммиша у кишининг ташрифини орзиқиб кутар эдик. Машҳур олим билан ҳаммиша бирга бўлишга интилардик.

Энди у киши орамизда йўқ, бироқ ўша ардоқли дамлар руҳи, устоз сабоқлари ва доно фикрлари доимо хотирамзда яшайди.

Устоз... у бир умр битта орзу билан яшар экан: “Мен босган излар, мен яратган асарлар, мен яратган соҳа ҳеч қачон йўқолиб кетмасин”. Менинг ишларимни келгуси авлод, албатта сўндирмай давом эттирсин...” –деган илинч ва орзу-умид у билан бирга ҳамроҳ бўлар экан.

Мен ҳам энди устоз мақомига эга бўлмоқдаман. Фольклор соҳасида бир-икки шогирд тайёрлаб, уларга раҳбарлик қилмоқдаман. Зеро, ўтган фан дарғалари бўлмиш устозларимизнинг қутлуғ ва муборак излари ва ишларини давомчиси бўлсам, муқаддас бурчимни адо этган бўлар эдим. Улар олдидаги умрбоқий руҳлари олдида ўз вазифамни бажарган саналардим.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ КАТТА ВА ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲЛАРИДА ТОВУШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛ ВА МЕТОДЛАРИ

С.С.Авезов

Мактабгача таълим кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.

Аннотация: Мақолада МТТ катта ва тайёрлов гуруҳларида товуш маданиятини шакллантириш метод ва усуллари кўрсатилган.

Аннотация: В статье рассказывается звуковое культура ДОО старших и подготовительных группах.

Abstract: The article describes the sound culture of the preschool educational institutions of senior and preparatory groups.

Калим сўзлар: метод, усул, восита, товуш маданияти, оҳанг, ритм, тембр, ифодалилик,

Ключевые слова: метод, метод, среда, звуковая культура, тон, ритм, тембр, выразительность

Key words: method, method, environment, sound culture, tone, rhythm, timbre, expressiveness

Болалар нутқини шакллантириш ва ўстириш соҳа мутахассислари олдида турган жуда катта масъулиятли вазифалардан саналади. Хусусан, тарбияланувчининг эрта ёшидан бошлаб, нутқиди луғат доирасини бойитиш, грамматик нутқини таркиб топтириш, диалогик ва монологик нутққа ўргатиш, бошқа методик вазифаларни бажариш талаблари туради. Бу соҳага қаратилган барча педагогик вазифалар ўзининг мураккаблиги билан алоҳида ўрин тутди. Ушбу жараёнда нафақат товуш маданияти, балки “Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси” фан модуллариининг ўзаро интеграцияси муҳим аҳамият касб этади.

Нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш деганда, она тилимиздаги барча товушларни тўғри талаффуз эта олиш, шу аснода улар ёрдамида сўз, ибора, гап ва оғзаки ҳамда мантикли фикрлай олишга эришиш, шунингдек, оҳанг, ритм, тембр ва ифодалилик асосида оғзаки матн яратишга эриштирмоқдан иборат бўлади. Бундан ташқари, сўзловчи нутқини диққат билан тинглай олиш, гапирётган пайтда эса тўғри, меъёрий нафас олиш ва овоз кучидан тартибли фойдалана олиш каби психологик жараёнларга, кўникма ва малакага доимий одатлантириш вазифалари юкланади. Бундай вазиятда тарбиячи – педагогнинг нутқ ўстириш ҳақидаги тасаввур ва билимларининг инъикоси таъсири натижасида рўёбга чиқади.

Нутқ товуш маданиятининг илк элементларига кичик гуруҳлардан бошлаб ўргатилса-да, бу жараён болаларнинг беш ёшга тўлганидан кейин тизимли амалга оширилади. Чунончи, болаларга аввал ижтимоий ҳаётдаги физик товушлар ўргатилади: “гуп-гуп”, “пак-пак”, “так-тук”, “гув-гув” каби. Товушларнинг ўхшаш ёхуд фаркли хусусиятларига, шунингдек, биологик товушларга: гўдак товуши, ҳайвонлар товуши, табиатдаги шамол, ёмғир товушларига ҳам эътибор қаратилади.

Бола беш ёшга тўлганда бевосита тил товушларига диққатини қаратади. Қандай қилиб товуш ҳосил бўлиши, товушлар талаффузи, уни ҳосил қилувчи нутқ аппарати аъзоларининг хизмати, фаолияти ва иштироки амалий тарзда ўрганилади. Товушларнинг орфоэпик ҳосил бўлиши ва улар ёрдамида сўз ва гап тузишга кизиқиш янада ортиб боради. Тажрибалар шуни кўрсатадики, болалар ўз номларига келадиган товушларни, ўртоқлари исмларига, ота-она, оила аъзолари номларига келадиган товушларни тез ўрганиб оладилар. Хусусан, бу жараёни шакллантиришда олтига унли товушларнинг ҳосил бўлиши (а, о, у, ў, и, э) ни аниқлаш жуда осон кечади. Унли товушларнинг ҳар бир сўз ҳосил қилишдаги ўрни муҳимлиги, олинган ҳавонинг бевосита оғиздаги аъзоларга дахлсиз тарзда ташқарига чиқишдан пайдо бўладиган товуш овоздор эканлигини аниқлаб етадилар. Шу тарзда улар унли товушлар талаффузини ўрганиб оладилар. Худди шунингдек, тарбиячи-педагог унли товушлар бир ўзи ҳам мазмун-маъно аниқлашига болалар диққатини қаратади. Бундай хусусият фақатгина унли товушга ҳосиллигини айтиб, болаларда бу товушларга ҳавас уйғотади. Масалан, а товуши-оғизни катта очиш маъносини (шифокор хузурида шундай дейилади), о товуши оғизни олмадек юмалок қилиш ёхуд “мазали” маъносини ифодалашини, шунингдек, у товуши такрорланиб айтилса (у-у-у), дудукланиш, ў ва и товушлари такрорланиб талаффуз этилса, ҳайратланиш маъноларини, э товуши такрорланса, қутилмаган ходисадан далолат бериши тушунтирилади. Ана шу товушлар артикуляцияси асосидаги сўзларни болалар нутқига олиб кириш нафақат товуш маданияти, балки болаларнинг луғат доирасини кенгайтириш учун ҳам хизмат қилади. Чунончи, икки бўғинли сўзлар билан сўз бирикмаси тузсалар (катта дарахт, чиройли кўғирчоқ, баланд бино, кенг йўл каби), кейинчалик мураккаб сўз бирикмалари тузиш маҳоратига ҳам эга бўладилар (кўзи қора кўзичок, баланд бўйли киши, ям-яшил ўтлар, янги ва думалок копток). Бу бирикмалар орқали гап ва

оғзаки матн тузишни ҳам ўргатиш мумкин. Бу эса товуш маданияти билан болалар нуткидаги креативликни уйғотиш билан бир қаторда грамматик нуткни камол топтириш учун ҳам хизмат қилади. Тажрибалардан шу аёнки, товуш маданиятини шакллантириш асосий объект сифатида қаралса ҳам, нутқ ўстириш фани бўлимлари орасидаги ўзаро интеграллашувнинг самараси сифатида намоён бўлади.

Болалар нутқини ривожлантириш- бевосита катталар нутқиға таклид қилиш, улар билан ўзаро мулоқоти таъсири асосида шаклланиб боради. У ўз нуткидаги товуш маданиятидаги оҳанг, овоз кучи, ритм ва ифодалиликдаги ранг-баранг ҳодисаларни қиёслаб ўрганади. Шу нуқтаи назардан рус усулшуноси А.Н.Леонтев нутқий ривожланиш жараёнини қуйидагича тавсифлайди: "Нутқ ўстириш жараёни бола луғатининг ва сўзларнинг ассоциация асосида боғланишининг ортишида ифодаланадиган миқдорий ўзгаришлар жараёни эмас, балки сифат жиҳатдан ўзгариш жараёнидир, зеро, у фикрлаш ва онг ривожланиши билан ички боғланган ҳолда сўзнинг барча функциялари, томонлари ва алоқаларини камраб оладиган ҳақиқий ривожланиш жараёнидир". Бу муайян фикрлар замирида шу нарса аён бўладики, товуш маданиятини ривожлантиришда ҳам болаар тасавури ва уларнинг атроф-теваракка фаол муносабатлари нуқтаи назарлари даражасида педагог ёндашуви эҳтиёжи ҳамда зарурати муҳим аҳамият касб этади. Барча методик ва амалий ишлар ана шу жараёнға қаратилсагина, самара ва натижаға эға бўлади.

Товушға хос маданиятни ривожлантиришда, энг аввало, кичик гуруҳдан бошлаб, тайёрлов гуруҳиғача дидактик ўйинлар, халқ оғзаки ижоди жанрлари саналмиш топишмоқ, тез айтиш ва эртаклардан тизимли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳам болаларда ушбу соҳани ривожлантиришда болалар фольклори билан интегратив ёндашув учун муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Хусусан, дидактик ўйинларнинг аҳамияти алоҳидадир. "Қўғирчокни овутиш" (бунда қўғирчокни овутишда аллани ижро этишға ўргатиш), "Ажойиб халтача" (унли ва ундош товушлар иштирок этадиган предметлар) "Дўкон" каби дидактик ўйинларини ташкил этиш мумкин.

Ундош товушлар талаффузи ҳам педагоглардан мураккаб педагогик вазифани ташкил этади. Кичик гуруҳларда товуш талаффузини ўргатиш учун алоҳида машғулотлар ўтказилади. Унда предмет ва ўсимликлар, ҳайвон номларини талаффуз этиш асосида товушлар тизими ўргатилади. Ўрта гуруҳларда ойида икки марта катта ва тайёрлов гуруҳларида эса нутқ ўстириш машғулотлари жараёнида ҳафтада бир марта ўтказилади.

Умуман, товушлар талаффузи бўйича нутқ ўстириш машғулот таркибида қуйидаги машғулот турларидан фойдаланиш мумкин:

1. Товушларни талаффуз этиш учун бўлган артикуляция аппарати аъзолари ҳаракатини аниқлаш учун машғулотлар.

2. Алоҳида товушлар талаффузини аниқлаш ва таклидчанлик асосида товушни вужудға келтириш машғулотлари.

3. Товушларни сўзларда аниқ ва тўғри талаффуз этишни тарбиялаш машғулотлари.

4. Товушларни нутқда аниқ ва тўғри талаффуз этишни тарбиялаш машғулотлари.

5. Яуний машғулотлар.

Хулоса қилиб айтганда, тарбияланувчиларда товуш маданиятини тарбиялаш мураккаб педагогик жараён бўлиб, у нутқ жараёнида унинг сифатларини таркиб топтириш билан монологик нутқ гўзаллиғиға, овознинг меъёрий жозибадорлиғи ва таъсирчанлиғиға эға бўлиш кўникма ҳамда малакаларини табиёлайди. Бу эса бевосита нутқ ўстириш фанининг бошқа бўлимлари билими асосида ушбу модулнинг ўзаро интеграллашуви тизими ва лойиҳаси билан чамбарчас боғланиб олиб борилсагина, кўзланган самара ҳамда натижаға эриштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахметжанов М.М., Авезов С.С., Гаффаров Э.Х. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси. Олий таълим муассасаларининг 5111800 Мактабғача таълим йўналиши талабалари учун дарслик. Бухоро, Дурдона, 2019, 180-193-бетлар.

2. Кириенко С., Д. Конишева В.М. Проектная деятельность как основа интегративного процесса в дошкольном образовательном учреждении. Методическое пособие. Челябинск, 2012, -стр. 11-17.

3. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. - Москва, 1995, -стр. 69-70.

4. Қодирова Ф.Р., Қодирова Р.М. Болалар нутқини ривожлантириш назарияси ва методикаси. - Тошкент, Истиклол, 2006, 135-145-бетлар.